

АГРОСАНОАТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНИШИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ЭРИШИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАКЛИФИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Холматов Диёрбек Усмонович.

“University of economics and pedagogy” NOTM

“Иқтисодиёт” кафедраси катта уқитувчиси.

Аннотация: Мамлакатимизда аграр тармоқда, хусусан мева-сабзавотларни сотиш ва қайта ишлаш жараёнида маркетинг имкониятларидан фойдаланиш, мамлакат экспорт салоҳиятини янги босқичга кўтариши, унинг географиясини кенгайтиришдаги асосий омил бўлиши мумкин. Маркетинг тадқиқотларини олиб боришда унинг йўналишлари, мақсад, вазифалари ва бошқа хусусиятларини эътиборга олиниши, аграр бозорлардаги маркетинг тадқиқотлар самарадорлигини янада оширади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётдаги агросаноат мажмуининг ривожланиш даражасига ва унинг инфратузилмасининг мавжуд талаблар даражасида шаклланишига боғлиқ. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқаришининг пировард натижалари нафақат соҳанинг ривожланиш даражасига балки унга хизмат кўрсатувчи соҳалар ривожланиш даражасига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Аграр соҳадаги ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши билан пропорционал равишда моддий-техник ресурслар, хом ашё, ёрдамчи материаллар ва бошқа ресурслардан фойдаланиш ҳажми ортади. Хўжаликларнинг электр энергияси, транспорт, алоқа воситалари, маҳсулотни сақлаш иншоотларига бўлган талаби ошади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий-техник таъминот, инженерлик, зооветеринария, агрокимё хизматлари ва бошқа хизматларга бўлган муҳтожлиги юксалиб боради. Шунинг билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етарли миқдорларда ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи тармоқлар билан бир қаторда маҳсулотдан самарали фойдаланишни таъминлашга ва уни истеъмолчига етказишга хизмат қилувчи ташкилотларнинг ривожланиши ҳам бир хил даражада муҳим ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда фаолият юритувчи юқоридаги сингари тармоқ ва хизматларни инфратузилма деб номланади.

Инфратузилма моҳият жиҳатдан иқтисодий ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш учун нормал шароитларни таъминлаб беришга хизмат қилувчи тармоқлар ва ишлаб чиқариш мажмуасидан иборат. Инфратузилма АСМни самарали фаолият юритишини ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган

технологик, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ташкилий алоқаларни амалга ошириш йўли билан таъминлаб беради.

Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. У корхона ва ташкилотларнинг самарали фаолият юритишини таъминлайди ва агросаноат мажмуасининг йирик ҳажмда ва юқори сифатдаги маҳсулотларини олишга мўлжалланган. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти пировард натижада тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари ва айланма маблағлар, техника ва технология, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бир қаторда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Ушбу хизмат турларининг энг асосийлари сифатида агрокимёвий, зооветеринария, ахборот-маслаҳат ва бошқа шу кабиларни кўрсатиш мумкин.

Инфратузилма қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хом ашё, материал, тайёр маҳсулотнинг ўз вақтида етказилиши кўп жиҳатдан хўжалик оборотидаги мавжуд маблағлар ҳажмини белгилаб беради.

Инфратузилма тармоқларини ривожланишининг энг асосий омили мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ўсиши бўлиб ҳисобланади. Агросаноат мажмуасининг тез суръатларда ривожлантириш зарурияти унинг таркибига кирувчи тармоқ ва ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Саноатлашув даражасининг кучайиши, кимёвий воситалардан фойдаланишнинг ортиши, мелиоратив тадбирлар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларининг тезкор ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ишлаб чиқариш восиларини нафақат миқдорий жиҳатдан кўпайишини, балки моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи хизматлар тизимини яратишни ҳам кўзда тутди. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитларида инфратузилма тармоқларининг функцияларида сезиларли даражада ўзгаришлар рўй беради. Илгари мавжуд бўлган бу каби тузилмалар асосида ҳозирги кун талабларига мос келувчи хусусий мулкчиликка асосланган инфратузилма тармоқларини ривожлантириш зарурияти туғилади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим вазифаси бўлиб қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишдан босқичма-босқич озод қилиш ва саъий ҳаракатларини асосий фаолиятга йўналтириш бўлиб ҳисобланади. Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳажмларини ва сифатини ошириш учун етарли шароитларни яратишга хизмат қилиши лозим.

Ўзи мустақил ҳолда пировард маҳсулот яратиш имконияти мавжуд эмаслиги боис, инфратузилма тармоқлари ва хизматлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг самарали фаолият юритишини


таъминлайди. Шунингдек, инфратузилма АСМ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кўмак беради.

Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг шаклланиши, уларнинг таркиби, ривожланганлик даражаси жуда кўп омилларга боғлиқ. Жумладан, қайта ишлаб чиқариш корхоналарининг ихтисослашганлиги, ерларнинг рельефи, шаҳарлардан узоқ ёки яқин жойлашганлиги, йирик транспорт узелларига яқинлиги ёки узоқлиги ва бошқалар инфратузилманинг нималардан ташкил топиши кераклигини, уларнинг ривожланганлик даражаси қандай бўлиши лозимлигини белгилайди. Масалан, пахтачиликка зарур айрим хизмат ёки иш тури ғаллачиликда керак эмас, ёки жуда кам миқдорда керак. Бундай ҳолларда пахтачилик билан ғаллага ихтисослашган хўжаликларда ҳар хил инфратузилма керак бўлади. Чорвачилик хўжаликлари инфратузилмаси пахтачилик хўжаликларидагидан тубдан фарқ қилади. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини (ернинг асосий ишлаб чиқариш воситалигини, ернинг унумдорлиги, тупроқ сифатининг ҳар хиллиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, иш вақти билан ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслиги кабиларни) эътиборга олиш зарур. Ушбу жиҳатлар ҳам инфратузилмани ривожлантиришнинг зарур йўналишларидандир.

Инфратузилма таркибига кирувчи тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хил таъсир кўрсатмайди ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимида ўзига хос ўрни билан ажралиб туради. Шу боис инфратузилма тармоқларини асосий хусусиятлари бўйича таснифлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Инфратузилмани таснифлаш ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимида унинг алоҳида элементлари, шунингдек алоҳида олинган тармоқлар ўрнини ҳам белгилаб олиш имконини беради. Таснифлаш воситасида тармоқларaro алоқаларни тадқиқ этиш орқали ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш имкониятлари яратилади. АСМ инфратузилмасининг барча элементларини қуйида келтирилган тўрт йўналишлардаги хусусиятларга кўра таснифлаш мумкин (1-расм).

1-расм. АСМ инфратузилмасининг таснифи



Миллий инфратузилма халқ хўжалиги тармоқларининг самарали фаолият юритишини таъминловчи тармоқлар ва хизматлар тизимини ташкил этади. Бундай йирик инфраструктура мажмуаларига мамлакатнинг электр энергия таъминоти тизими, транспорт тизими, алоқа тизими ва бошқаларни ташкил этади. Бу тармоқлар миллий иқтисодиётнинг юқоридаги хизматларга бўлган эҳтиёжини таъминлаб беради.

Минтақавий инфратузилма алоҳида олинган иқтисодий туманлар ривожланиши билан боғлиқ. Масалан Фарғона иқтисодий тумани инфратузилмаси. Бу турдаги инфратузилма Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларига хизмат кўрсатади.

Маҳаллий инфратузилмасига алоҳида олинган ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Маҳаллий инфратузилмаларга мисол сифатида қишлоқ хўжалиги техникаси ремонт ва техник хизмат кўрсатиш, энергетик ва омбор хизматлари, йўл қурилишини келтиришимиз мумкин.

Тармоқ хусусиятларига кўра инфратузилмалар тармоқлараро ва тармоқ ичидаги инфратузилмаларга бўлинади. Тармоқлараро инфратузилмалар миллий иқтисодиётдаги барча тармоқларга бирдек хизмат кўрсатади. Транспорт, электр

таъминоти ва алоқа каби тармоқлар айнан шулар жумласидандир. Тармоқ ичидаги инфратузилмалар аниқ бир тармоқни ривожлантириш учун хизмат қилади. Масалан қишлоқ хўжалигининг муваффақиятли ривожланиши уруғчилик, наслчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш техника ва ускуналарни ремонти каби соҳалар ривож билан боғлиқ. Ветеринария хизмати чорвачиликнинг тармоқ ичидаги инфратузилмалари ичида муҳим ўрин тутди. Бу турдаги инфратузилмаларга бўлган талаб ихтисослашувнинг кучайиши жараёнида янада кучаяди. Тармоқ ичидаги инфратузилманинг энг асосий вазифаси тармоқни зарур ускуналар, препаратлар, асбоб-анжомлар билан таъминлаш ҳисобланади.

АСМ инфратузилмасини функционал йўналиши бўйича иккита асосий соҳага ажратиш мумкин: қишлоқ хўжалигига бевосита хизмат кўрсатувчи соҳа ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини охириг истеъмолчи томони ҳаракатини таъминловчи соҳа. Биринчи соҳага машина ва ускуналар ремонти, шунингдек транспорт, мелиорация, сув таъминоти, ветеринария, ахборт хизмати, моддий техник таъминот хизмати корхоналари киради.

Иккинчи соҳа ўз ичига тайёрлов, транспортировка ва маҳсулотни сақлаш хизматларини олади. АСМ нинг нормал фаолият юритишини етарли миқдордаги маҳсулотни сақлаш бўйича қурилмалар, идишлар, қадоқлаш материалларисиз таъминлаб бўлмайди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш воситаларининг нормал фаолият юритишини таъминловчи ва уларнинг узоқ муддат меҳнатга яроқлилигини таъминлаб берувчи тармоқлардан иборат. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқлар киритилади (2-расм):

- ишлаб чиқариш йўналишидаги транспорт;
- ремонт устахоналари;
- электр узатиш линиялари;
- техник хизмат кўрсатиш станциялари;
- илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига махсус хизмат кўрсатиш бўлинмалари, жумладан ўсимликларни ҳимоя қилиш, агротехник, ветеринария, сунъий уруғлантириш, юридик ва бошқалар.

2-расм.АСМ ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркиби



Ишлаб чиқариш инфратузилмасида техника воситаларини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш хизмати муҳим ўрин тутди. Чунки йил давомида техника воситаларини иш ҳолатида сақлаб туриш, уларни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш ва керакли таъмирлаш ишларини сифатли бажариш, фермер хўжаликларининг нормал фаолият юритишга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

2. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. – Халқ сўзи, 2017 йил 2 февраль.

3. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 5 октябрь 2016 йил.

4.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентиШавкатМирзиёевнингОлийМажлисгаМурожаатномаси// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

5.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг“2017–2021йиллардаЎзбекистонРеспубликасиниривожлантиришнингбештаустуворйўналишибўйичаҲаракатларстратегиясиникелгусидаамалгаоширишчоратадбирларитўғрисида”гиФармони.2017йил15 август.

6.Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 2020 йил 20 май. // Халқ сўзи, 2019 йил 25 октябрь.

7.Адылова З.Д. Халқаро бозорларда маркетинг стратегияси: назария ва амалиёт. –Т., 2009. -282 б.

8.Ансофф И. Стратегическое управление / Пер. с. англ. – М.: Экономика, 2002.

9.Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг: Учебник для вузов. - СПб.: Питер, 2006.

10.Багиев Г.Л., Моисеева Н.К., Никифорова С.В. Международный маркетинг. – СПб: Питер, 2001.

11.Дойль Питер. Маркетинг-менеджмент и стратегии. 3-е изд. / Пер. с англ. под ред. Ю.Л. Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. –544с.

12.Дэй Ж. Стратегический маркетинг. – М.: ЭКСМО-Пресс, 2002. - 640 с.

13.Кадыров А.М. Эффективное совершенствование структуры региональных АПК–. Т.: ФАН, 2010. – 151 с.

14.Кадыров А.М., Дусматов Ф.Д. Инновационные инвестиционные факторы развития агропромышленного комплекса – Т.: ИЭАНРУз, 2009. – 52 с.

15.Котлер Ф. Маркетинг. Менеджмент: Экспресс-курс / Ф. Котлер; Пер. с англ. под. ред. С.Г. Божук. – 2-е изд. – М., СПб., Н. Новгород [и др.]: Питер, 2005. – 464 с.

16.Сирожиддинов К.И. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги. Ўқув қўлланма. –Наманган. 2019. 473 б.

17.Сирожиддинов К.И. Агромаркетингни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси. Монография. –Наманган. 2019. 182 б.